

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУСАНОВ АЛИЖОН КАРИМОВИЧ**

**ШАРҚИЙ ФАРҒОНА ШИРАЛАРИ (НОМОРТЕРА: ARHIDINEA)  
ФАУНАСИ ВА МОРФО-ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD) on biological sciences**

**Хусанов Алижон Каримович**

Шарқий Фарғона ширалари (Homoptera: Aphidinea) фаунаси ва морфо-экологик хусусиятлари..... 3

**Хусанов Алижон Каримович**

Фауна и морфо-экологические особенности тлей (Homoptera: Aphidinea) Восточной Ферганы..... 19

**Khusanov Alijon Karimovich**

Fauna and morpho-ecological features of aphids (Homoptera: Aphidinea) of Eastern Fergana..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУСАНОВ АЛИЖОН КАРИМОВИЧ**

**ШАРҚИЙ ФАРҒОНА ШИРАЛАРИ (НОМОРТЕРА: ARHIDINEA)  
ФАУНАСИ ВА МОРФО-ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/B55. билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.flora\\_fauna.uz](http://www.flora_fauna.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Мадаминбек Хатамович**

биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кимсанбоев Хўжамурот Хамрақулович**

биология фанлари доктори, профессор

**Мўминов Боқижон Алимович**

биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «27» октябр куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 289-04-65, факс (99871) 262-79-38, e-mail: [igppa@academy.uz](mailto:igppa@academy.uz).)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй, Тел.: (99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2017 йил «12» октябр куни тарқатилди.  
(2017 йил «12» октябрдаги 2 рақамли реестр баённомаси)

**Д.А.Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
в.в.б., б.ф.д., проф. Ўзбекистон Республикаси  
ФА академиги

**Г.С.Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Э.Б.Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича бугунги кунда мевали боғлар ва қишлоқ хўжалиги агроценозларини ширалардан ҳимоя қилиш – маданий ландшафтларни сақлаш ва озиқ-овқат дастурини бажарилиши борасидаги муаммоларни ҳал қилиш сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ер юзида мазкур ҳашаротларнинг 5000 га яқин турлари маълум бўлиб, уларнинг барчаси ўсимликларнинг жиддий зараркунандалари саналади. Ширалар ҳисобига мевали дарахтлар 10-20% атрофида ҳосилини йўқотилиши аниқланган<sup>1</sup>. Шу ўринда айтиш керакки, ҳашаротларни тур таркибини аниқлаш, каталогларини тузиш ва уларга қарши курашнинг илмий асосланган усулларини қўллаш долзарб муаммолардан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ва аҳолини сифатли мева маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, интенсив боғлар ташкил этиш, улар ҳосилини зарарловчи омилларни аниқлаш ва қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш борасида натижаларга эришилди. Таъкидлаш керакки, интенсив боғ майдонларининг кенгайиши боғлар ҳосилига зарарли таъсир этувчи шираларнинг кўпайишига олиб келмоқда ва бу ҳолат уларни хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда шираларга қарши биологик кураш чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида<sup>2</sup> ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, интенсив боғ ва узумзор майдонларини кенгайтириш таъкидланганки, бу ўринда интенсив боғларга зарар етказувчи ширалар фаунасини ва уларни мавсумий ривожланиш муддатларини аниқлаш, шираларга қарши уйғунлашган ҳимоя тадбирларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда замонавий афидологик тадқиқотлар, турли экологик шароитга эга минтақаларнинг таксономик таркибини илмий тадқиқотларнинг замонавий методлари ёрдамида аниқлаш, афидофауна генезисининг келиб чиқиш марказларини ўрганиш ва шу асосда зараркунанда ҳашаротларга қарши уйғунлашган илмий асосланган кураш олиб боришни тақозо этмоқда. Бу ўринда Марказий Осиёнинг Жануби-шарқий географик минтақасига кирувчи Шарқий Фарғона ҳудуди бундан мустасно эмас. Бу ҳудуд таксономик жиҳатдан ўзига хос турларга бой эканлиги билан ажралиб туради. Унинг афидофаунаси тур таркибини аниқлаш, таксономик таҳлил қилиш, “паразит-хўжайин” тизимида шираларда шаклланган морфологик ва экологик мосланишларнинг муҳим йўналишларини аниқлаш, фауна учун

<sup>1</sup> <http://faostat.fao.org>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

янги ва эндемик турларни популяцияларининг замонавий ҳолатини таҳлил этиш, афидофауна маълумотларини сўнги каталог асосида мувофиқлаштириш, Ўзбекистон миллий фаунасидаги ўзига хос хусусиятларни очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шираларнинг таснифий таркиби, биологияси, эволюцияси ва филогенези бўйича тадқиқотлар хорижнинг етакчи олимлари Н.Р. Lambers (1950), G. Remaudiere, M. Remaudiere (1997), A.F.Y. Dixon (1998), D. Grimaldi, M.S. Engel (2005) ва бошқалар томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида минтақавий афидофаунанинг таркиби, озуқа ўсимлигидан фойдаланиш хусусиятлари, филогенезига бағишланган ишлар М.Н. Нарзикулов (1962; 1969; 1990), Г.Х. Шапошников (1956), В.А. Мамонтова (1972), А.А. Рупайс (1989), О.И. Ивановская (1977)ларнинг фаолиятида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда соҳага оид олиб борилган тадқиқотлар (А.Г. Давлетшина, 1964; А.М. Мухаммадиев, 1982; А.А. Кан, 1986; М.Х. Ахмедов, 1994) натижасида шираларнинг тур таркиби, биоэкологияси, минтақавий тақсимланиши ва филогенезига оид муҳим натижалар олинган. Бирок, юқоридаги маълумотларда Шарқий Фарғона афидофаунаси, уларнинг трофобиотик ихтисослашишлари ва морфо-экологик мослашишлари тўлиқ акс эттирилмаган. Шунга кўра, ширалар фаунасини комплекс таҳлил этиш, уларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик хусусиятларини тадқиқ этиш, озуқа ўсимлигига ихтисослашишларини аниқлаш, уларга қарши илмий асосланган кураш усулларини қўллаш амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2009-2011 йилларга мўлжалланган ФА-Аб-Т110 “Фарғона водийси шароитида вужудга келган фитоагротехник ўзгаришларни, ҳамда ўриндош (қайта экиладиган) экинларда зараркундаларнинг ривожлани-

шини ўрганиш асосида ўсимликларни улардан ҳимоя қилиш тизимини яратиш” амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Шарқий Фарғона шираларининг фаунаси, морфо-экологик хусусиятлари ва уларни озуқа ўсимлигига ихтисослашиши йўналишларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Шарқий Фарғона ширалари фаунасини аниқлаш, таксономик таҳлил этиш ва каталогини тузиш;

Шарқий Фарғона шираларининг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш;

Шарқий Фарғона шираларининг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисослашишининг асосий йўналишларини ўрганиш ва экологик таснифлаш;

интенсив олма боғлари агроценозларининг шаклланиши ва тикланишида шираларнинг аҳамиятини ўрганиш;

интенсив олма боғларида шираларнинг зарар келтириши, энтомофагларни самарадорлик даражасини аниқлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Шарқий Фарғона ширалари фаунаси, интенсив боғлар афидокомплекси.

**Тадқиқотнинг предмети** Шарқий Фарғона шираларининг таксономик таҳлили, морфо-экологик хусусиятлари, озуқа ўсимлигига ихтисослашишининг йўналишлари ҳамда экологик таснифи ва таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, экологик, морфологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

**Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Шарқий Фарғона шираларининг 7 оила, 76 уруғга мансуб 200 тур ва 4 та кенжа турларидан иборат таксономик каталоги тузилган, шулардан фан учун 1 тур (*Callipterinella ferganica Akhmedov et Khusanov*) ва 1 кенжа тур (*Euceraphis pilosa arslanbobica Akhmedov et Khusanov*) ҳамда фауна учун 1 уруғ (*Callipterinella*) ва 67 тур аниқланган;

шафтоли барг шираси янги озуқа ўсимликлари – *Cerasus awium* ва *Cerasus mahaleb*да учраши аниқланган;

Шарқий Фарғона шираларининг «паразит-хўжайин» тизимида озуқа ўсимлигига ихтисослашиш хусусиятлари аниқланган;

Шарқий Фарғона шираларининг «паразит-хўжайин» тизимидаги морфологик ва экологик йўналишлари аниқланган;

трансгрессия ҳодисаси асосида экологик талаб даражаси яқин бўлган турларнинг экологик нишалари параметрлари очиқ берилган;

интенсив олма боғлари энтомофаунаси тур таркиби ва энтомо-комплексларнинг шаклланиш босқичлари аниқланган,

шираларнинг иқтисодий зарар келтириш даражаси ҳамда энтомофагларнинг самарадорлик даражаси исботланган;

интенсив олма боғларининг тенгқанотли-хартумли хашаротларига қарши кураш усуллари такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Шарқий Фарғона шираларининг таснифий каталоги ва уларнинг экологиясига оид маълумотлар Ўзбекистон, шу жумладан Фарғона водийси шираларининг ўрганиш ва мониторинг қилишда таянч илмий асос саналади;

интенсив мева боғлари зараркунандаларига қарши ишлаб чиқилган экологик тоза маҳсулотлар етиштириш имконини берувчи самарали кураш усуллари интенсив боғларида амалиётга қўллаш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** классик ва замонавий тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, улар асосида олинган натижаларнинг назарий ва амалий мутаносиблиги, етакчи, нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шарқий Фарғонанинг ширалари афидофаунасини «паразит-хўжайин» тизимида озуқа ўсимлигида яшаш ва озикланишга мосланиш хусусиятларини экологик таснифлаб берилганлиги, шираларни «паразит-хўжайин» тизимидаги морфологик ва экологик хусусиятларининг асосий йўналишларини аниқланганлиги ҳамда таърифлаб берилганлиги, трофобиотик муносабатларни систематик жиҳатдан яқин ўсимлик турлари ҳисобига шаклланганлиги, трансгрессия ҳодисасининг аҳамияти асосида ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар интенсив боғларини зараркунанда ҳашаротлардан самарали ҳимоя қилиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида интенсив боғлари агроценозидаги зараркунанда ҳашаротлар ва энтомофаглар ўртасида юзага келган табиий тенглик, ҳамда, барқарорликнинг шаклланиши, қўлланилаётган кимёвий препаратлар ҳажмини кескин камайтириш ва боғлар қатор ораларига нектарга бой ўсимликларни экиш орқали фойдали ҳашаротларнинг табиий популяцияларини кенгайтириш ҳисобига ҳосилни сақлаб қолиш, шунингдек, экологик тоза мева етиштириш имконияти вужудга келиши билан ҳам изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

Шарқий Фарғона ширалари фаунаси ва морфо-экологик хусусиятларини тадқиқ қилишдан олинган илмий натижалар асосида:

интенсив мева боғлари зараркунандаларига қарши ишлаб чиқилган экологик тоза маҳсулотлар етиштириш имконини берувчи самарали кураш усуллари ўрмон хўжаликлари ва интенсив боғларда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 7 сентябрдаги 02/20-449-сон маълумотномаси). Натижада кимёвий препаратларни қўлланилиши кескин камайишига ва ҳосилдорликнинг ортишига имкон берган.

Шарқий Фарғона интенсив олма боғлари энтомокомплекслари ва агроценозларининг шаклланиш хусусиятлари, олмазорларни тенгқанотли-хартумли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш ўсимликлар карантини давлат

инспекциясига жорий этилган (Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2017 йил 5 октябрдаги 50-04-759-сон маълумотномаси). Натижалар республика ҳудудига шираларнинг хавфли турларини четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш, уларга қарши уйғунлашган кураш усулларини қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шираларни ўрганишнинг морфо-экологик асослари ва тадқиқот услублари”** деб номланган биринчи бобида шираларни ўрганишнинг морфо-экологик асосларини ўрганишга оид тадқиқотлар таҳлил этилган. Унинг натижаларига кўра таъкидлаш лозимки, ширалар қатор илмий манбаларда ўсимлик паразитлари сифатида кенг талқин этилган, улар учун озуқа ўсимлиги яшаш, озикланиш ва кўпайиш жойи сифатида экологик аҳамиятга эга. “Ҳашарот-ўсимлик” тизимидаги муносабатларга бағишланган ишларда асосан шираларни озуқа ўсимлигига мосланиш хусусиятлари, ўзгарувчанлиги ва бу жараённинг эволюцияси маълум даражада ўз ечимини топган.

Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик мосланиш хусусиятлари, озуқа ўсимлигига ихтисослашишига оид кенг камровли, тизимли маълумотлар илмий манбааларда ўз ифодасини топмаган.

Мазкур диссертация ишига Шарқий Фарғона ҳудудларидан 2004-2016 йиллар давомида йиғилган материаллар, олиб борилган амалий тадқиқотлар ҳамда кузатишлар натижалари асос бўлди. Шунингдек, Андижон давлат университети экспериментал биология ва экология лабораториясини

Марказий Осиёнинг бошқа минтақалари афидофаунасига оид коллекция материалларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотлар давомида Шарқий Фарғонанинг барча вертикал (денгиз сатҳидан 350-400 м дан 1450-1455 м га қадар бўлган баландлик) минтақалар – паст текислик, адир, тоғ олди, ўрта тоғ ва юқори тоғ минтақалари, табиий ва маданий ландшафтлар тўлиқ қамраб олинди.

Ширалар бўйича материаллар умумий қабул қилинган энтомологик ва афидологик услублар (Мордвилко, 1910; Шапошников, 1952; 1964; Мамонтова-Солуха, Черкасова, 1967; Ахмедов, Қўшақов, Зокиров, 2007) асосида йиғилди ва қайта ишланди. Тадқиқотлар давомида шираларнинг 1028 та намуналари йиғилди ва улардан 1842 та доимий препаратлар тайёрланди.


Шираларнинг мавсумий ривожланиши, ҳаёт цикллари, биологияси ва экологиясига оид дала кузатишлари доимий тадқиқот жойлари Хонобод, Ширмонбулоқ (Андижон вилояти), Саломалик, Оқ терак, Арслонбоб (Фарғона тизмаси, 1450м абс. баландлик) қишлоқларида, амалий лаборатория кузатишлари Андижон давлат университети экспериментал биология ва экология лабораториясида олиб борилди, олинган натижалар қиёсий таҳлил этилди (1-расм).

Ширалар экологиясини кенг қамровли ўрганишда Р. Уиттекер (1980), Р. Дажо (1975), В.В. Яхонтов (1969), А.М. Гильяров (1990), Г.А. Викторов (1976), М. Бигон, Дж. Харпер, К. Таунсент (1989) ва бошқа муаллифларнинг фундаментал ишларига таянилди.

Интенсив олма боғлари энтомокомплекслари ҳамда агроценозларнинг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари, шунингдек, айрим турларнинг ҳаёт цикли, биоэкологияси 2011-2016 йиллар давомида пастекислик, чўл, адир ва тоғ олди минтақаларида ташкилланган интенсив олма боғларда олиб борилди.

Статистик таҳлиллар Г.Ф. Лакин (1980) бўйича амалга оширилди. Жумладан, ширалар миқдорий зичлигининг мавсумий ўзгариши жараёнидаги дисперсион фарқлар ҳисоблаб чиқилди, дисперсиялар оралиғидаги фарқларнинг аниқлик даражалари ( $F_{\phi}$ ) Фишер усули орқали текширилди. В. Баровнинг  $\psi^2$ - пси квадрат усули бўйича турларнинг морфометрик кўрсаткилари қиёсий таҳлил этилди. Фактик натижаларни стандарт натижалар билан солиштириб, ишончликни аниқлашда Студент мезонидан фойдаланилди, турларнинг вариация коэффициенти ҳисобланиб, ўрта арифметик қиймат ҳатоси топилди. Ҳашаротларнинг морфометрик ўлчамларини корреляцион таҳлил этилди ва корреляция коэффицентининг ҳатосига аниқлик киритилди.


Ўтказилган корреляцион таҳлиллар асосида ҳашаротларнинг мавсумий ривожланишининг регрессион таҳлиллари ва трансгрессия кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.



1-расм. Тадқиқот учун материал йиғилган ҳудудлар

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Шарқий Фарғона шираларининг фаунаси ва таксономик таҳлили**” деб номланиб, ушбу бобда Шарқий Фарғона шираларининг фаунаси таксономик таҳлил этилган. Бу ўринда шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги озуқа ўсимлигига ихтисослашиши ва морфо-экологик хусусиятларини тадқиқ этишда бирламчи асос – материал сифатида Шарқий Фарғонанинг мазкур гуруҳ хашаротларининг турлар хилма хиллиги олинди.

Олиб борилган тадқиқотлар ва фаунистик таҳлил натижаларига кўра маълум бўладики, Шарқий Фарғонанинг ширалари 7 оила, 76 уруғга мансуб 200 тур ва 4 кенжа турдан иборат. Мазкур аниқланган тур ва кенжа турларнинг таксономик каталоги тузилди. Улар қаторида *Callipterinella ferganica* Akhmedov et Khusanov ва *Euceraphis pilosa arslanbobica* Akhmedov et Khusanov ширалари фан учун янги тур ва кенжа тур сифатида қайд этилиб, морфологик ўзига хослиги изоҳлаб берилди. 1 уруғ ва 67 турга мансуб ширалар Шарқий Фарғона энтомофаунасида илк бор қайд этилди (2-расм).



Эслатма: қавсдан ташқарида уруғлар, қавс ичида турлар сони келтирилган.

## 2-Расм. Ширалар оилаларининг уруғ ва турларга нисбатан улуши

Диссертациянинг “**Шарқий Фарғона ширалари морфологик хусусиятларининг асосий йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисослашишининг морфологик хусусиятлари – танасининг шакли, ўлчамлари, ранги, морфологик ўзига хослиги, мум ажратмалар ва уларнинг ҳосилалари аҳамияти ва ўзига хосликлар таҳлил этилди.

Ширалар озуқа ўсимлигининг тури, унда эгаллаган яшаш ва озикланиш жойи, ўсимлик градиенти бўйлаб таксимланиши, географик тарқалиши, ҳаёт тарзи, таснифий ўрни уларнинг танаси шакли ва ўлчамларини белгиловчи омиллар саналади. Жумладан, ўсимликнинг танаси, шохлари, новдалари ва пояларида очик, шунингдек, илдиз ва галларда яширин яшовчи турларнинг танаси йирик ва ўлчамлари катта, ёш новдалар, поя учлари ва баргларда очик, ярим яширин ҳаёт кечирувчи турлар тана ўлчамлари чегараланганлиги билан фарқланади. Ўсимлик яруслари бўйлаб яшаш жойини мавсумий ўзгартирувчи турларнинг морфометрик кўрсаткичлари баҳордан кузга томон юқорилаб бориши ёки баҳордан ёзга қадар пасайиб, кузда кўтарилиш мумкин, ўсимликда озикланаётган 2 ва ундан ортиқ турларнинг тана ўлчамлари ўсимлик градиенти бўйлаб юқorigа томон майдалашиб, шарқий минтақалардан – жанубга, шимолдан ғарбга томон ҳашаротларнинг морфометрик ўлчамлари пасайиб бориши қайд этилди.

Шираларнинг ранги пассив ҳимоя воситаси сифатида озуқа ўсимлигида эгаллаган жойига мос тушади ёки огоҳлантирувчи ранг сифатида ажралиб туради, турлар ўртасида қизил-жигарранг-қўнғир-қора йўналишдаги тўқ ранглар ва оқ-кулранг-пушти-сарик-яшил қаторидаги ёрқин ранглар нисбати яхши ифодаланган.

Мумли ажратмалар ва уларнинг хосилалари ширалар учун механик ҳимоя вазифасини ўтайди, танадаги ортиқча углеводларни ажралишини таъминлайди, тана ҳароратини кўтарилишини ва сувни ортиқча буғланишини чегаралайди, ортиқча намлик таъсиридан ҳимоялайди. Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисослашишидаги пассив ҳимоянинг юзаланишида мум ажратмалар хилма хиллиги, ҳамда такомиллашиб бориши эволюцион кўҳна гуруҳлари (*Phloemyzidae*)да момик, энг прогрессив *Aphididae* турларида мумғубор шаклида ифодаланган.

Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида шаклланган морфологик ўзига хослиги, ксерофил ширалар танасининг кичиклиги, яхши дифференциалланмаган шира найчалари, думча, ўта калта мўйловларида; мезофил ширалар танасининг йириклиги, кучли ривожланган шира найчалари, думчалар, мўйловлари, барг юзасида яшовчилар болдирининг охирида шаклланган ёстиксимон бўртмаларида, галл ва илдиз шираларининг шишган таналари, деградацияга учраган кўзлари, оёқлари, мўйловлари, думча ва шира найчаларида ва бошқаларда ўз ифодасини топган.

Ширалар онтогенезининг турли даврлари учун бир-бирига қарама қарши бўлган ҳаракатнинг сустилиги, ҳаракатсизлик ва ўта фаоллилик хосдир.

Шираларни озуқа ўсимлигида узоқ муддат давомида яшаши, яъни нисбатан бир хил экологик омилнинг давомли таъсири уларнинг морфо-экологиясида ўзига хос ўзгаришларни шакллантирган. Масалан, қурғоқчил минтақаларда, чўл ва чала чўл шароитида, ксерофил ўсимликларда яшовчи ҳашаротлардаги адаптацион эволюциянинг асосий йўналиши тана юзасини кичрайиши, морфометрик кўрсаткичларни чегараланишига сабаб бўлган.

Диссертациянинг “Шарқий Фарғона ширалари экологик хусусиятларининг асосий йўналишлари” деб номланган тўртинчи бобида шу йўналишдаги тадқиқот натижалари баён этилган, унга кўра шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисослашишининг экологик хусусиятлари уларнинг яшаш тарзи, колонияларининг хилларида, популяция зичлиги ва суръатларининг юқори бўлиши ёки давомли минимал даража кескин кўтарилиш ҳамда тебранишида, бир озуқа ўсимлигида бир неча турнинг яшаши ва унинг барча қисмларидан фойдаланишида, экологик лабиллиги ва валентлигининг кенглигида серпуштлилик, тириклайин қишлаши ва насларни барқарор галланишида ўз ифодасини топган.

Экологик талаб даражаси яқин бўлган турлар экологик токчалари параметрларининг қисман ёки бутунлай мос тушиши, яъни чегараларининг қисман кесишиши ёки устма-уст келиши ҳолати илк марта трансгрессия ҳодисаси асосида талқин этилди. Трансгрессия кўрсаткичи – бу экологик талаб даражаси яқин бўлган, муайян бир жой ва вақтда ягона озуқа ўсимлигидан фойдаланувчи турлар ўртасидаги рақобат даражаси бўлиб, унинг фоизлар ҳисобида 100 га қадар кўтарилиб бориши турлар ўртасида озуқа ресурси учун бўлган рақобатнинг кучайиб бориши, аксинча, нолга интилиши бу жараённинг сушт эканлигини ифодалайди; трансгрессия натижасида кучсиз рақиб кучли рақобатчи тур ёки турлар томонидан инкор этилади, яъни рақобат майдонидан сиқиб чиқарилади. Энг юқори трансгрессия кўрсаткичи *A.craccivora* ва *A.gossyhii* (79,50%), *Aphis pomi* ва *Dysaphis plantaginea* (79,25%), *Cavariella theobaldi* ва *Aphis farinosae* (78,42%) турлари ўртасида, нисбатан паст кўрсаткич *Aphis gossypii* ва *Acyrtosiphon gossyhii* (67,30%), *Aphis farinosae* ва *Tuberolachnus salignus* (67,12%) жуфтликларида қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

### Олма, ғўза ва тол ширалари гильдияларининг трансгрессия даражалари

№	Шира турлари	Трансгрессия даражаси (Т %)
1.	<i>Aphis craccivora</i> x <i>Aphis gossypii</i>	79,50
2.	<i>Aphis pomi</i> x <i>Dysaphis plantaginea</i>	79,25
3.	<i>Cavariella theobaldi</i> x <i>Aphis farinosa</i>	78,42
4.	<i>Cavariella theobaldi</i> x <i>Tuberolachnus salignus</i>	71,32
5.	<i>Aphis gossypii</i> x <i>Acyrtosiphon gossypii</i>	71,6
6.	<i>Aphis craccivora</i> x <i>Acyrtosiphon gossypii</i>	67,30
7.	<i>Aphis farinosae</i> x <i>Tuberolachnus salignus</i>	67,12

Диссертациянинг “**Шираларни озуқа ўсимлигига ихтисослашишининг умумий йўналишлари ва экологик таснифи**” деб номланган бешинчи бобда шираларнинг озуқа ўсимлигидан фойдаланиши ва шунга мутаносиб равишда уларнинг биоэкологиясида шаклланган адаптив радиациялар таҳлил этилган.

Ширалар учун ўсимликлар яшаш ва озикланиш жойи сифатида уларнинг мавсумий ривожланиши ва муҳит омилларига мосланишида белгиловчи аҳамиятга эга. Бу гуруҳ ҳашаротлар озуқа ўсимлиги билан нафақат биоэкологик балки тарихий-эволюцион ҳам боғлангандир.


Шираларнинг озуқа ўсимлигини, яшаш ва озикланиш жойларини танлашида, бошқасига кўчиб ўтиши, озуқа спектрининг ўзгаришида, ўсимликнинг тури, вегетация даври ва мавсумий ривожланиши, шунингдек, минтақавий экологик омиллар белгиловчи аҳамиятга эга.

Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига турли даражада ихтисослашиши, уларнинг биологик ва экологик хусусиятларида ўз ифодасини топиши табиий. Зеро, “паразит-хўжайин” тизимида ҳашарот ва ўсимлик ўртасида узоқ давом этган ўзаро боғлиқ, давомли эволюцияда шаклланган трофик алоқалар кўлами ҳар бир турнинг ҳаёт циклида ўз инъикосини топади.

Озуқа ўсимлигида зич ёки сийрак колонияларни ҳосил қилиб, “шира” суюқлиги ажратиб чиқарувчи фитофаглар экологик типига мансуб ҳашаротлар “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигида яшаш ва озикланишга турли даражада ихтисослашган монофаглар, олигофаглар ёки полифаглар саналади.

“Шира” суюқлигини ажратиш, Г.Я.Бей-Биенко таъкидлаганидек, фақатгина тенг қанотли-хартумли ҳашаротлар туркуми вакилларидагина кузатиладиган, ичакларнинг ўзига хос тузилиши билан боғлиқ, яъни, уларда олдинги ичакнинг охири ўрта ичак охири ёки кейинги ичакнинг бошланиши билан қўшилиб кетган, ўрта ичак эса сиртмоқсимон шаклни олган. Ичакларни қўшилиши асосида филтрловчи камера ҳосил бўлган, у орқали сув ва унда эриган шакар ўрта ичакни четлаб, орқа ичакка, оқсил ва бошқа юқори молекуляр бирикмалар эса ўрта ичакка тушади. Шу асосда ичак ортиқча сув ва шакардан фориг бўлади, улар мўл “шира” суюқлиги сифатида ташқарига ажратиб чиқарилади. Ўсимликлар бу ҳашаротлар учун ҳам озуқа ҳам сув манбаси саналади.

Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида ўсимликда яшаш ва озикланишга мосланишидаги умумий хусусиятларнинг қиёсий таҳлилига кўра улар ягона экологик типга бирлашиб, ўз навбатида 2 та экологик кенжа тип, 3 экологик гуруҳ ва 8 та экологик кенжа гуруҳларга ажралади (3-расм).



3-расм. Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида ўсимликда яшаш ва озиклашишга мослашишларининг экологик таснифи

## Хулосалар

“Шарқий Фарғона ширалари (Homoptera, Aphidinea) фаунаси ва морфо-экологик хусусиятлари” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор Шарқий Фарғона шираларининг 7 оила, 76 уруғга мансуб 200 тур ва 4 та кенжа турларидан иборат таксономик каталоги тузилган, шулардан 1 тур (*Callipterinella ferganica* Akhmedov et Khusanov) ва 1 кенжа тур (*Euceraphis pilosa arslanbobica* Akhmedov et Khusanov) фан учун, фауна учун 1 уруғ (*Callipterinella*) ва 67 турлар аниқланган

2. Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигида яшаш ва озикланишга мосланиш хусусиятлари қиёсий таҳлил этилди ва экологик таснифий бирликларга ажратилди, улар ягона экологик типга бирлашиб, 2 та экологик кенжа тип, 3 экологик гуруҳ ва 8 та экологик кенжа гуруҳларга ажралган.

3. Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфологик мослашишлари танасининг шакли, ўлчамлари, ранги, морфологик ўзига хослиги, мум ажратмалар ва ҳосилаларининг аҳамияти ҳамда эволюцияси батафсил асослаб берилди.

4. Шираларнинг адаптациялари озуқа ўсимлигининг турига, ундаги яшаш ва озикланиш жойига, ўсимлик градиенти бўйлаб тақсимланишига, географик тарқалишига, ҳаёт тарзи ва таснифий ўрнига чизиқли боғлиқлиги аниқланди; мум ажратмаларнинг хилма-хиллиги, ҳамда такомиллашиб бориши йўналишида шираларнинг эволюцион кўхна гуруҳлари (*Phloemizidae*)да пассив химоя момиқ, энг ёш, прогрессив *Aphididae* турларида мумғубор шаклида намоён бўлади.

5. Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимида шаклланган морфологик ўзига хослиги, ксерофиллар танасининг кичиклиги, дифференциалланмаган шира найчалари, думча, ўта калта мўйловларида, мезофиллар танасининг йириклиги, кучли ривожланган шира найчалари, думчалари, мўйловларида, галл ва илдиз шираларининг қабарик таналари, оёқлари, мўйловлари, думчаси ва шира найчаларидаги морфологик белгилар билан ажралиб туради.

6. Шираларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги экологик адаптациялари мазкур ҳашаротларнинг яшаш тарзи, колонияларининг хиллари, популяция зичлиги ва суръатларининг юқори бўлиши ҳамда тебраниши билан боғлиқлигини англатади.

7. Бир озуқа ўсимлигининг барча қисмларида бир неча турларнинг яшашида, экологик лабиллиги ва валентлигининг кенглигида, жинссиз – партеногенез кўпайишнинг устунлиги, шунингдек, серпуштлилик, тириклайин қишлаши ва наслларни барқарор галланишида ўз ифодасини топганлигини изоҳлайди.

8. Экологик талаб даражаси яқин бўлган турлар экологик токчалари параметрларининг қисман ёки бутунлай мос тушиш ҳолати илк бор трансгрессия ҳодисаси асосида талқин этилди ва изоҳланди. Муайян бир вақт

ва жойда ягона озуқа ўсимлигидан фойдаланувчи турлар ўртасидаги рақобат даражаси бўлиб, унинг фоизлар ҳисобида 100% га қадар кўтарилиб бориши турлар ўртасида озуқа ресурси учун бўлган рақобатнинг кучайиб боришини, аксинча, нолга интилиши рақобатнинг сусайиб боришини билдиради.

9. Шираларнинг озуқа ўсимлигига ихтисослашиши қайси даражада бўлишидан қатъий назар нисбий бўлиб, у бир томонлама адаптация сифатида турни янги йўналишидаги ўзгаришини, морфо-экологик ва эволюцион пластиклигини чегаралаш билан изоҳланади.

10. Шарқий Фарғона интенсив олма боғларида ширалар популяциялар сонини чегаралаш бўйича чора-тадбирлар амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.B.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХУСАНОВ АЛИЖОН КАРИМОВИЧ**

**ФАУНА И МОРФО-ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЛЕЙ  
(НОМОРТЕРА: ARHIDINEA) ВОСТОЧНОЙ ФЕРГАНЫ**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.PhD/B55.**

Диссертационная работа выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.flora-fauna.uz](http://www.flora-fauna.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Ахмедов Мадаминбек Хотамович**

доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кимсанбоев Хўжамурот Хамракулович**

доктор биологических наук, профессор

**Муминов Бокижон Алимович**

кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «27» октября 2017 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес:100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 2326.Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 262-79-38; e-mail: [igppa@academy.uz](mailto:igppa@academy.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №1). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, 2326, ИБЗ. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «12» октября 2017 года (протокол рассылки № 2 от «12» октября 2017 года)

**Д.А.Азимов**

Вр.и.о. председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., проф., академик АН Республики Узбекистан.

**Г.С.Мирзаева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник.

**Э.Б.Шакарбоев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.

## Введение (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе особую актуальность на сегодняшний день приобретает защита фруктовых садов и агроценоза сельского хозяйства от тли в качестве решения проблем, связанных с сохранением культурного ландшафта и выполнением продовольственной программы. На поверхности земли в настоящее время известно около 5000 видов этих насекомых, и все они признаны серьезными вредителями для растений. Установлено, что тля становится причиной потери около 10-20% всего фруктового урожая с деревьев<sup>1</sup>. В связи с этим изучение и идентификация видов данных насекомых, составление их каталогов, а также применение научно обоснованных методов борьбы с ними становится одной из самых актуальных задач.

С обретением независимости нашей страны большое внимание уделялось для развития садоводства и обеспечения населения качественными фруктами. В результате программных мер, предпринятых в этом направлении, были достигнуты существенные результаты по созданию интенсивных садов, определению вредных для урожая факторов, и разработке мер борьбы с ними. Необходимо отметить расширение интенсивных садов приводит также к увеличению количества тли, которая наносит огромный вред садовому урожаю, и это обстоятельство диктует необходимость выявления разновидностей вредителя и усиления мер биологической борьбы с ними. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> в целях разумного использования земноводных ресурсов приемлимые посевные площади сельского хозяйства предусмотрено расширение площади интенсивных садов и виноградника, в связи с этим особое значение приобретают научно-практические исследования, нацеленные на определение фауны наносящей вред садовым деревьям тли и сроков ее сезонного развития, а также на совершенствование комплексных защитных мероприятий, направленных на борьбу с ней.

Современные исследования, предпринимаемые в мировой афидологии, подчеркивают необходимость определения таксономического состава тлей регионов, находящихся в различных экологических условиях, опираясь на современные методы научных исследований. Особенно важно изучения центров генезиса афидофауны, и проведения на этой основе комплексной научно обоснованной борьбы с насекомыми-вредителями. В этом смысле не является исключением и Восточная Фергана, расположенная в Юго-Восточном географическом регионе Центральной Азии. Данный регион представляет большой научный интерес, так как, отличается богатством видов своеобразных с точки зрения таксономии. Определение состава

---

<sup>1</sup> <http://faostat.fao.org>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. –УП – № 4947, от 7 февраля 2017 года.

разновидностей его афидофауны, проведение ее таксономического анализа, определение важных направлений и морфо-экологической адаптации тли в системе «паразит-хозяин», исследование современного состояния популяций новых для фауны эндемических разновидностей, систематизация информации об афидофауне на основе последней каталогизации, установление их своеобразия в рамках национальной фауны Узбекистана имеет важное научно-практическое значение.

